

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/28.08.2020.Qx.13.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК МАХМУД МИРЗАЕВ НОМИДАГИ БОҒДОРЧИЛИК,
УТУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

БОБОЕВА ХИЛОЛА АБДУРАХМОНОВНА

**ИНТЕНСИВ БОҒЛАР УЧУН ОЛМА НАВЛАРИНИ ТАНЛАШ ВА
ОҚИШ СХЕМАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

06.01.07 – Мевачилик ва утумчилик

**ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (РФД)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Бобоева Хилола Абдурахмоновна

Интенсив боғлар учун олма навларини танлаш ва экиш схемаларини
ишлаб чиқиш..... 3

Бобоева Хилола Абдурахмоновна

Подбор сортов яблони для интенсивных садов и разработка схем
размещения..... 23

Boboeva Khilola Abdurahmonovna

Selection of Apple varieties for intensive gardens and development of
placement schemes..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 45

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/28.08.2020.Qx.13.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ

АКАДЕМИК МАХМУД МИРЗАЕВ НОМИДАГИ БОҒДОРЧИЛИК,
УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

БОБОЕВА ХИЛОЛА АБДУРАХМОНОВНА

**ИНТЕНСИВ БОҒЛАР УЧУН ОЛМА НАВЛАРИНИ ТАНЛАШ ВА
ЭКИШ СХЕМАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик

**ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2020

Қишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссиясида В2019.3.PhD/Qx455 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация академик Махмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик
илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-
саҳифасида (www.tdau.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net)
жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Арinov Абдулла Убаевич
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий
ҳодим

Расмий оппонентлар: Исламов Соҳиб Яҳшибекович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор


Кожохметов Советбек Кожохметович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот
институти.

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги
DSc.05/28.08.2020.Qx.13.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «30» Исраил соат
16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси,
2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@tdau.uz;
Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс
марказида танишиш мумкин (БН2113-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил:
100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети,
Ахборот ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2020 йил «30» Исраил кuni тарқатилди.
(2020 йил «6» Исраил даги 213 рақамли реестр баённомаси).


Х.Ч.Бурнев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, б.ф.д., профессор.

З.А.Абдикаюмов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раисининг вакили, к/х.ф.д.
(PhD) доцент

И.Т.Нормуратов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш/қошидаги илмий семинар
раиси, к/х.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда олма етиштириш ҳажми қарийб 89,3 млн. тоннадан ортиқ бўлиб, янги ҳосилдорлик миқдори бўйича банандан кейинги иккинчи ўринни эгаллаб келмоқда. Олма етиштириш бўйича жаҳонда етакчилик қилаётган Осиё қитъасидан Хитой (44,44 млн. тонна), Ҳиндистон (2,87 млн. тонна), Америка қитъасидан АҚШ (4,64 млн. тонна), Европа қитъасидан Польша (3,60 млн. тонна), Туркия (3,92 млн. тонна) каби давлатларда ушбу қимматли мева тури асосан интенсив технологиялар асосида етиштирилади¹. Олма етиштириладиган аксарият давлатларда энг рақобатли бўлган дунё олма бозорида нуфузли ўрин эгаллаш мақсадида ушбу меванинг янгидан-янги юқори товарбоп навларини яратиш, уларнинг етиштириш ҳажми ва мева сифатини тубдан ошириш борасида мунтазам тадқиқотлар олиб борилади.

Ҳозирги кунда дунё бўйича олма етиштириш ва уни экспорт қилишда етакчилик қилаётган АҚШ, Польша, Туркия ва Япония каби мамлакатларда ушбу меванинг Ред Делишес, Макинтош, Гренни Смит, Гала, Хоней Крисп ва Фуджи каби жаҳонга машҳур навлари яратилган, уларни супер интенсив типда етиштириш технологиялари такомиллаштирилган. Хусусан, бир гектар майдонда нав ва пайвандтаг турига қараб 1500-7000 тулгача, ўтлоқсимон боғларда эса 10000-15000 тулгача кўчат жойлаштирилмоқда. Ўзбекистон тулрок-иклим шароитида бундай интенсив боғлар учун энг мақбул интродукцион ва маҳаллий навларни танлаш, уларни етиштириш технологияларининг самарали элементларини ишлаб чиқиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Сўнгги йилларда республикамызда бу борада олма боғларини самарали интенсив асосга ўтказиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Олимлар томонидан Ўзбекистон иқлим шароити учун янги, пишиш муддатлари турлича бўлган олма навлари интродукция қилиниб, уларни илмий томондан ўрганиш асосида ишлаб чиқаришга тадбиқ этилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам мамлакатимизда «...янги интенсив боғ ва узумзорларни жойлаштириш ҳисобига экин майдонларини янада оптималлаштириш» алоҳида кўрсатиб ўтилган. Бугунги кунда интенсив олма боғларини барпо қилиш учун кучсиз ўсувчи олма кўчатлари асосан хориждан (Сербия, Польша, Туркия, Украина) келтириляётганлиги боис, ушбу навлар устида илмий тадқиқотлар ўтказиш, вилоятлар кесимида навларни тўғри танлаш ва танланган навлар учун ўзига хос агротехник тадбирлар элементларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги

¹<https://www.atlasbig.com/en-us/countries-apple-production>; <https://www.worldatlas.com/articles/top-apple-producing-countries-in-the-world.html>;

ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон «Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ-4549-сон «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳасида қўшилган қиймат занжирини яратишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 11 майдаги ПҚ-4709-сон «Республика хуудларини кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ихтисослаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни илмий жиҳатдан амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот ишлари республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Интенсив типдаги олма боғларини барпо қилиш, муайян жойнинг туپроқ-иклимга мос истиқболли навларни танлаш, уларни етиштириш технологияларининг самарали элементларини ишлаб чиқиш бўйича С.Fischer, D.Kruczynska, L.D.Tukey, Н.В.Агафонов, Л.В.Григорьева, Е.А.Егоров, А.Н.Фисенко, О.К.Афанасьев, К.И.Байметов, А.У.Арипов, Б.Х.Гулямов, С.Я.Исламов, И.Т.Нормуратов, И.Ч.Намозов ва бошқа кўплаб олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Дунё ва мамлакатимиз олимларининг бу борада амалга оширган тадқиқотлари натижасида олманинг интенсив боғлари учун нав танлаш, нав ва пайвандтаг турига хос экиш схемасини асослаш, интенсив боғларда олма етиштириш технологияларини такомиллаштириш тамойиллари яратилган. Хусусан, нав танлашда ўсимликлар ўсиши ва ривожланишининг морфо-биологик хусусиятлари, ҳосилдорлик элементларининг шаклланишини асос қилиб олиш, интенсив боғларда олма навларини пальметта усулида ўстириш, экиш схемаларини нав-пайвандтаг комбинациясидан келиб чиққан ҳолда оптималлаштириш ва бошқалар бўйича тавсиялар берилган.

Республикамызда бугунги кунда замонавий интенсив олма боғларининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида қўлланилаётган янги интродукцион ва маҳаллий навларнинг морфо-биологик ва хўжалик хусусиятларини ўрганиш асосида энг мақбул намуналарни танлаш, муайян навга хос самарали агротехника элементларини ишлаб чиқиш бўйича қатор илмий ишлар олиб борилмоқда. Шу боис ушбу диссертация тадқиқотида илгари сурилган вазифалар – мамлакатимизда кенг майдонларда янгидан барпо этилаётган интенсив боғлар учун энг мақбул навларни танлаш,

уларнинг морфо-биологик ва маҳсулдорлик кўрсаткичларини баҳолаш, нав-пайвандтаг комбинациясига боғлиқ равишда дарахтларни жойлаштиришнинг энг мақбул зичлигини танлаш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда, мазкур вазифаларнинг самарали ечимини топиш эса бугунги кунда мамлакат бўйича йирик масштабларда барқо этилаётган интенсив олма боғларининг ҳосилдорлиги ва уларда етиштирилаётган меваларнинг сифатини етарли даражада ошириш имконини беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган КХА-9-056-2015 «Замонавий пакана бўйли М-IX пайвандтагида ўстириладиган интенсив олма боғлари учун дарахт зичлигини, уларга шакл бериш усулини аниқлаш ва шу боғлар учун самарадор навларни танлаш» (2015-2017 йй.), ҚХ-А-КХ-2018-530 «Уруғли мева экинлари меваларини зараркундалардан ҳимоя қилишнинг экологик тоза усулларини қўллашда ва уларни ўсишини тезлаштиришда ўсимликлардан экстракт қилинган табиий биологик фаол моддаларининг таъсири ва хусусиятларини тадқиқ қилиш» (2018-2020 йй.) мавзусидаги илмий-амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади интенсив олма боғлари учун (Тошкент вилояти шароитида) паст бўйли М-IX пайвантагида ўстирилган маҳаллий ва интродукция қилинган истикболли олма навларини танлаш ҳамда уларнинг экиш схемаларини оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

паст бўйли пайвантагга ўстирилган маҳаллий ва интродукция қилинган олма навларининг фенологик фазаларини тадқиқ қилиш асосида уларни тезпишарлик гуруҳларига ажратиш;

маҳаллий ва интродукция қилинган олма навлари орасидан юқори ҳосилли ва сув танқислигига чидамли навларни ажратиш;

олма меваларининг товарлилик сифатини (мевасининг йириклиги, бир текислиги, рангдорлиги ва бошқалар) баҳолаш, мевасининг биокимёвий таркибини таҳлил қилиш ва уларга дегустацион баҳо бериш;

интенсив боғ шароитида олма навлари барг юзасининг ўзгариши ва дарахт танасини ёруғлик билан таъминланишининг экиш схемасига боғлиқлигини асослаш;

танланган олма навлари учун интенсив боғ шароитида энг юқори ва сифатли ҳосил олиш имконини берувчи мақбул экиш схемасини аниқлаш;

интенсив боғлар учун танланган олма навлари ва экилиш схемасининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида паст бўйли М-IX пайвандтагида ўстирилган олманинг маҳаллий ва хорижий селекцияга мансуб 35 хил навлари, шунингдек экиш схемалари хизмат қилган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб интенсив боғ шароитида олма навлари ўсимликларида фенологик фазаларнинг ўтиши, уларнинг баргларида физиологик жараёнларнинг (транспирация интенсивлиги, сув танқислиги) бориши, меваларининг биокимёвий таркиби, товарбошлик кўрсаткичлари ва ҳосилдорлигини таҳлил қилиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала тажрибалари, физиологик ва биокимёвий лаборатория таҳлиллари, шунингдек ишлаб чиқариш синовлари мевачиликда умум қабул қилинган қуйидаги услубларда олиб борилди: дала тажрибалари ва навларнинг агробиологик хусусиятлари Х.Ч.Бўриев, Н.Ш.Енилеев ва бошқаларнинг «Мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси» Е.Н.Седов ва Т.П.Огольцовалар таҳрири остида чоп этилган «Мевалар, резавор мевали ва ёнғоқ ўсимликлари навларини ўрганиш усули ва дастури» услуги бўйича ўрганилди. Навларнинг сув танқислигига чидамлилиги Э.А.Гончарова тавсия этган услубда аниқланди. Транспирация интенсивлиги Л.А.Иванов услубида ўрганилди. Биокимёвий таҳлилларда қуруқ модда рефрактометрда; умумий қанд моддаси Бертран усулида; кислоталик (титрлаш) А.И.Ермаков тавсия этган усулларда аниқланди. Тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили «Excel 2010» ва «Statistica 7.0 for Windows» компьютер дастурларида, 0,95% ишончлилик оралиғи билан Б.А.Доспехов услуги бўйича ҳисобланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор паст бўйли пайвантагда ўстирилган маҳаллий ва интродукция қилинган олма навларининг фенологик фазаларини тадқиқ қилиш асосида уларнинг тезпишарлик гуруҳлари ажратилган;

паст бўйли пайвантагда ўстирилган маҳаллий ва интродукция қилинган олма навлари орасидан юқори ҳосилли ва сув танқислигига чидамли навлар ажратилган;

олма меваларининг биокимёвий таркибини таҳлил қилиш ва дегустацион баҳолаш асосида уларнинг товарлилик сифати аниқланган;

интенсив боғ шароитида олма навлари барг юзасининг ўзгариши ва дарахт танасини ёруғлик билан таъминланиш даражасининг экиш схемасига корреляцион боғлиқлиги ($r=0,97$) асосланган;

танланган олма навлари учун интенсив боғ шароитида энг юқори ва сифатли ҳосил олиш имконини берувчи мақбул экиш схемаси аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олманинг М-IX пайвандтагида ўстирилган маҳаллий ва интродукция қилинган навларининг морфо-биологик ҳамда хўжалик хусусиятлари баҳоланган;

интенсив боғ шароитида олма навлари баргларида физиологик жараёнларни ўрганиш асосида ёзги «Рустамий» ва Мангет, кузги «Болажон» ва «Исроил», қишқи Муцу каби сув танқислигига чидамли навлар аниқланган;

интенсив олма навларининг биокимёвий таркиби, меваларини сифат кўрсаткичлари ва ҳосилдорлиги аниқланган ҳамда бунинг натижасида ёзги – «Ойдин», «Елена», «Рустамий», Вильямс Прайд, Старк Эрлист ва Мантет, эрта кузги навлардан – «Исроил», Санпрайс ва Вагнера призовое, дурагай П-Х-31, кузги навлардан – Кубанское багряное ва Память Есаулу, кпшки навлардан – Голдраш навлари истиқболли навлар сифатида тавсия этилган;

Вильямс Прайд, Старк Эрлист, Мантет, Санпрайс, Кубанское багряное, Память Есаулу ва Голдраш навларини 4,0×1,5 метр, «Ойдин», «Елена», «Рустамий», «Исроил» навлари ва П-Х-31 дурагайини 4,0×2,0 метр, Вагнера призовое навини 4,0×1,0 метр схемаларда экилганда сифатли ва мўл ҳосил олиш имконини бериши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги: дала тажрибаларининг ҳар йили апробация кўригидан ўтказилганлиги, илмий тадқиқот ҳисоботларининг муҳокама этилганлиги; тажриба маълумотларининг статистик таҳлил қилинганлиги ва олинган натижаларни ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги; тадқиқот натижалари республика ва чет элда ўтказилган илмий-амалий конференцияларда, инновацион ярмаркаларда муҳокама қилинганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК томонидан эътироф этилган илмий журналларда мақолалар чоп этилганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олманинг паст бўйли пайвандтагида ўстирилган маҳаллий ва интродукция қилинган навларини ўсиши ва ривожланишининг морфо-биологик ҳамда хўжалик хусусиятларининг баҳоланганлиги, дарахтларнинг ассимиляцияцион (ўзлаштирувчи) юзаси ва уларни дарахтларнинг шохланиши, шох-шаббасининг миқдори ва мева шохларининг нисбати, интенсив бог шароитида олма навлари ҳосилдорлигининг экиш схемасига боғлиқлигининг илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти интенсив тицдаги олма боғларини барпо қилиш учун серҳосил, товарлилик кўрсаткичлари юқори бўлган энг мақбул интродукцион ва маҳаллий навлар танланганлиги, улар учун ҳосилдорликини 20-25% мева таркибидаги қандлилиқ миқдорини 1,0-1,5% ошириш, органик кислоталар миқдорини 0,5-0,7% га камайтириш имконини берувчи энг мақбул жойлашиш экиш схемасининг зичлиги аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон шароитида интенсив боғлар учун олма навларини танлаш ва мақбул экиш схемаларини ишлаб чиқиб бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ва агрофирмалар учун «Интенсив олма боғларини ташкил этиш ва уларни парвариш қилиш

технологияси» мавзусидаги тавсиянома ишлаб чиқилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 20 январдаги 02/030-185 сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ва агрофирмаларда олма боғларини ташкил этиш ва уларни парвариш қилишда қўлланма сифатида хизмат қилган.

Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги «Сойлик Азимжон Нодиржон» фермер хўжалигида олмани «Ойдин», «Рустамий», Старк Эрлист ва Мантет навлари 8,0 гектар майдонда экилди. Фермер хўжалигида ушбу навлардан юқори товарбop ҳосил олинган бўлиб, (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 20 январдаги 02/030-185-сон маълумотномаси) ушбу навлардан 56,645 миллиондан 72,700 миллион сўм/га гача соф даромад олинган. Ишлаб чиқариш рентабеллиги 81-92% ни ташкил этган.

Тошкент вилояти Тошкент туманидаги «Истиқлол олмалари» МЧЖда олмани Кубанское багряное ва Память Есаулу навларини 4,0×2,0 метр схемада 1,5 гектар майдонда экилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 20 январдаги 02/030-185-сонли гувоҳномаси). Ушбу навларни 4,0×2,5 метр схемада экилган боғга нисбатан солиштирилганда гектаридан 25-35% юқори ҳосил олинган. Ушбу навлардан гектарига 101,980 миллиондан 110,008 миллион сўм/га гача соф даромад олинган ва ишлаб чиқариш рентабеллиги 113-141% ни ташкил этган.

Тошкент вилояти, Тошкент туманидаги «Убайдулла боғлари» фермер хўжалигида олмани Вадимовка ва Вагнера призовое навлари 4,0×1,0 метр схемада экилди (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 20 январдаги 02/030-185-сон маълумотномаси). Ушбу навларни 4,0×1,5 метр схемада экилган боғга нисбатан таққосланганда 25 – 30% юқори ҳосил олинган ва соф даромад 125,568 – 136,070 миллион сўм/га ни, ишлаб чиқариш рентабеллиги эса 157 – 164% ни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та, жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси буйича жами 10 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК нинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола жумладан 3 таси республика ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган, 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ёритилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш, апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, диссертациянинг ҳажми ва қисқача тартиби баён этилган.

Диссертациянинг **«Интенсив олма боғлари барпо қилишнинг назарий ва амалий асослари»** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича хорижий ва республика олимларининг ушбу мавзуда олиб борган илмий тадқиқотлари ва адабий манбалари шарҳланган. Шунингдек, паст бўйли пайвандтагларда ўстирилган олма навларининг морфо-биологик ва хўжалик хусусиятлари, интенсив олма боғлари учун нав танлашнинг назарий асослари, интенсив олма боғларида дарахтларни экилиш схемаларини уларнинг ўсиши ва ҳосилдорлигига таъсири юзасидан адабиётлар маълумотлари тавсифланган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот ўтказиш шароити, мақсади, объекти, дастури ва услуги»** деб номланган иккинчи бобида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан дала тажрибалари олиб борилган жойнинг тупроқ-иклим шароити, тадқиқот мақсади, объекти ҳамда тажрибаларни ўтказиш услублари тавсифланган. Хусусан, ушбу бобнинг «Тадқиқот мақсади, объектлари, дастури ва услуги» бўлимида ишлаб чиқилган мавзунинг мақсади, тадқиқот объектлари, дала тажрибалари ва лаборатория таҳлилларини олиб бориш услублари, тажриба дарахтларининг ўсиши ва ривожланишини ўрганишда қўлланилган фенологик кузатувлар ва биометрик ҳисоблар, шунингдек тажриба маълумотларига математик ва статистик ишлов бериш тартиби баён этилган.

Диссертациянинг **«Интенсив олма боғлари учун нав намуналарини танлаш»** деб номланган учинчи бобида республикадаги мавжуд ҳамда хорижий давлатлардан интродукция қилинган олма навлари коллекциясидан юқори сифатли, экспортбоп мева етиштириладиган интенсив боғ барпо қилиш имконини берувчи истиқболли навларни танлаш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Ушбу бобнинг «Интенсив боғ шароитида ўрганилган олма навларида фенологик фазаларнинг ўтиш муддатлари» деб номланган бўлимида тадқиқот объекти сифатида олинган қатор олма навлари дарахтларида фенологик фазаларнинг ўтиш муддатлари ва уларнинг давомийлиги ўрганилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, олманинг ўрганилган коллекцион навларида куртақларнинг бўртиши барча навларда бир текис кечмаганлиги кузатилди, улар орасидаги фарқ 8-12 кунни ташкил қилди. «Қизил Жонақи» ва Мантет навларида барг куртақларининг бўртиши 16.III да кузатилди, 3 кун оралиқ фарқ билан «Ойдин» навида бу жараён 19.III га тўғри келди. Гул куртақларининг бўртиши навлар орасида 7 кун фарқ билан 23-29.III кунларида кузатилди.

Гуллашнинг бошланишида навлар орасидаги фарқ 11 кунни ташкил қилди («Қизил Жонақи» 29.III, «Рустамий» 09.IV, Вадимовка 10.IV). Гул куртақларининг бўртиши нисбатан энг кам муддат назорат «Первенец Самарканда» (26.III-30.III) навида, энг кўп муддат «Рустамий» (27.III-09.III) навида кузатилди.

Эртаги навлар меваларининг пишиш муддатлари оралғидаги фарқ 45 кунни ташкил қилди ва кузатув йилларида Мантет, Старк Эрлист навлари меваларининг пишиши 08.VI да, «Рустамий» навида 23.VII да бошланди. Мевасининг пишиш муддати бўйича эрта кузги навларда энг қисқа Ренора зимний, Санграйс навларида 5 кун ва бу жараён II-X-11 дурагайи ва «Исроил», Кандиль Синап, «Болажон», Леберги зимний, Вагнера призовое навларида энг давомий 8 кунни ташкил этди. Кузги навлар орасида меваларнинг пишиши энг эрта назорат нави Кинг Девид (22.IV) навида, энг кеч Флорина (07.IX) навида қайд этилди. Меваларнинг пишиш давомийлиги назоратга нисбатан Флорина ва Память Есаулу навларида узун (9 кун) давом этди. Қишки навларда куртақларнинг бўртиши назорат «Нафис» (06.III) навида нисбатан барча навларда кеч (Фуджи, Муцу ва Голдраш 12.III) кузатилди. Мевалар пишишининг бошланиши назорат навида 30.IX да кузатилган бўлса, назоратга нисбатан Голдраш навида бу фаза анча олдин 14.IX да бошланганлиги кузатилди.

«Интенсив боғ шароитида олма навлари баргларида физиологик жараёнлар (транспирация интенсивлиги, сув танқислиги) боришининг ўзига хос хусусиятлари» деб номланган бўлимида олма навлари баргларида транспирация жадаллиги ва сув танқислигига чидамлик даражасини аниқлаш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Кузатувлар шуни кўрсатдики, сув танқислиги даражаси бўйича навлар орасидаги фарқ суғоришгача бўлган муддатда туپроқ намлиги нисбатан пастроқ (14,0%) бўлганда, (st.) «Первенец Самарканда» навида 9,8-14,7-12,1% сув танқислиги кузатилди. Назорат навага нисбатан интродукция қилинган Старк Эрлист, Вильямс Прайд ва Пристин навларидан кунинг уч муддатида (5^{00} , 14^{00} , 18^{00}) олинган барг намуналарида сув танқислиги юқори, «Рустамий», Мантет, Дейтон ва Вадимовка навларида бу кўрсаткич паст даражада кузатилди.

Олиб борилган барча тадқиқот йиллари ва барг намуналари олинган муддатларда ўрганилган ёзги навлар орасидан «Рустамий» ва Мантет навлари сув танқислигига чидамли нав эканлиги аниқланди.

Эрта кузги Ред Делишес (st.) нави баргларида 8,7-10,7-11,4% сув танкислиги кузатилди. Назорат навга нисбатан Ренда, «Фарангиз», Ремо ва Санпрайс навларидан куннинг уч муддатида олинган барг намуналарида сув танкислиги юқори, «Болажон», «Исроил» ва Либерти зимний навларида бу кўрсаткич паст даражада кузатилганлиги аниқланди.

Кузги ва кишки навларда назорат навга нисбатан Кубанское багряное ва Муцу навларидан куннинг уч муддатида олинган барг намуналарида сув танкислиги паст даражада эканлиги аниқланди.

«Интенсив олма навлари меваларининг биокимёвий таркиби ва сифат кўрсаткичлари» деб номланган бўлимида олма навлари мевасининг биокимёвий таркиби ва товарбошиқ кўрсаткичларини аниқлаш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, маҳаллий ва интродукция қилинган пишиш муддатлари турлича бўлган олма навларида назоратга нисбатан мевалари таркибидаги қанд миқдорининг юқорилиги билан маҳаллий «Ойдин» нави, мевалари ҳажми ўртача катталиги, шунингдек ташқи кўриниши билан интродукция қилинган Вильямс Прайд навлари ажралиб чиқди.

Эрта кузги олма навларида «Болажон» нави ўзига хос бўлган ташқи кўриниши ва сақланувчанлиги билан, «Исроил» нави меваларининг йириклиги, таркибида қанд миқдорининг юқорилиги билан II-X-31 дурагайи ва Старкинг Делишес навлари ажралиб чиқди.

Кузги олма навларида назорат навга нисбатан интродукция қилинган Кубанское багряное, Память Есаулу навлари меваларининг йириклиги билан ва Флорина нави меваларининг сифат кўрсаткичлари, таркибидаги қанд миқдорининг юқорилиги билан ажралиб чиқди.

Кишки олма навларида назорат навга нисбатан интродукция қилинган Муцу нави мевалари йириклиги билан ва Фуджи навлари меваларининг сифат кўрсаткичлари, таркибидаги қанд миқдорининг юқорилиги билан ажралиб чиқди (1-жадвал).

Ёзги навларда мевалар сифатининг ўртача умумий баҳоси бўйича Пристин нави мевалари ўртача сифатли, маҳаллий «Елена», «Ойдин», «Қизил Жонақ», «Рустамий» ва интродукция қилинган Мантет, Старк Эрлист, Вильямс Прайд, Дейтон, Вадимовка навлари меваларининг сифати яхши деб баҳоланди.

Эрта кузги навлар орасида меваларига берилган ўртача умумий баҳо бўйича назорат навга нисбатан «Исроил», «Фарангиз», Либерти зимний навлари ва II-X-31 дурагайи меваларига юқори (4,4 балл), Ренда, «Болажон», Лимонний, Ремо навлари ва II-X-11 дурагайи меваларига паст (3,4-4,1 балл) баҳо берилди.

Кузги Кинг Девид, Кубанское багряное навлари мевалари йирик, тўғри ва сифатли шакланган, ранги чиройли, жозибали кўринишда бўлганлиги сабабли энг юқори 5,0 балл билан баҳоланган. Ташқи кўриниши жиҳатидан энг паст (3,9 балл) балл Флорина навига қўйилди,

аммо таъми ва ҳидига эса энг юкори 4,8 балл берилди. Сабаби, ушбу нав меваси ўзига хос ажойиб хидга эга.

1-жадвал

**Олма навлари меваларининг ўлчами ва биокимёвий таркиби
(2016-2017 йй.)**

Навлар	Мева огир- лиги, г.	Мева балад- лиги, см	Мева диамет- ри, см	Меваларининг кимёвий таркиби, %		
				курук модда	қанд модда	кислоталилик
Етги навлар						
«Первенец Самарканда» (st.)	73,9	4,5	5,6	13,8	9,9	0,96
«Ойдин»	126,2	5,0	6,5	15,5	12,0	0,81
«Елена»	120,0	5,5	6,5	15,0	11,0	0,88
«Қизил Жонаки»	65,9	4,5	5,0	13,9	10,8	0,68
«Рустамий»	122,1	5,5	6,3	15,4	11,6	0,91
Мангет	72,8	3,6	5,5	13,2	9,4	0,69
Старк Эрлст	71,0	3,5	5,5	14,5	9,6	0,74
Вильямс Прайд	150,2	5,7	7,5	15,3	12,8	0,61
Пристин	96,3	4,5	6,0	15,1	11,7	0,94
Дейтон	175,6	5,8	7,7	15,0	12,6	0,67
Вадимовка	176,8	6,0	7,5	14,1	11,5	0,62
ЭКМТ ₀₅	3,26	0,18	0,18	-	-	-
ЭКМТ ₁₀	2,9	3,7	2,8	-	-	-
Эрта кузги навлар						
Ред Делишес (st)	170,9	7,5	7,0	19,5	12,8	0,59
Ренда	107,9	5,6	5,2	16,0	11,7	0,45
Кандиль Синап	100,0	5,0	4,0	15,7	12,0	0,52
«Болажон»	55,6	3,0	4,0	18,0	11,6	0,32
«Йирош»	241,0	7,5	8,5	17,0	12,6	0,57
«Фарангиз»	168,0	6,4	6,1	16,5	12,1	0,44
Прикубанское	175,0	6,5	7,4	15,0	11,8	0,81
Старкинг Делишес	120,3	4,5	5,5	18,5	12,8	0,39
Лимонний	128,1	5,5	5,0	16,6	11,7	0,60
Ренора зимний	190,0	6,5	7,5	18,3	12,9	0,63
Ремо	110,4	5,5	6,0	15,9	11,7	0,60
Санрайс	120,0	5,5	6,0	16,0	11,3	0,46
Либерти зимний	150,9	6,2	7,1	16,0	11,6	0,59
Вагнера призовое	235,0	8,0	8,5	17,1	12,0	0,53
П-Х-31	178,6	6,5	7,5	17,0	12,9	0,33
П-Х-11	160,2	6,2	6,0	15,3	11,3	0,56
ЭКМТ ₀₅	2,6	0,1	0,2	-	-	-
ЭКМТ ₁₀	1,7	2,5	2,4	-	-	-
Кузги навлар						
Кинг Девид (st)	115,9	5,3	5,5	16,9	11,0	0,71
Кубанское багряное	175,0	6,5	8,3	16,3	11,3	0,73
Память Есаулу	227,8	8,5	7,5	18,8	12,9	0,39
Флорина	130,9	5,5	6,6	17,5	12,8	0,56
ЭКМТ ₀₅	5,0	0,1	0,1	-	-	-
ЭКМТ ₁₀	3,1	2,0	2,0	-	-	-
Қишки навлар						
«Нафис» (st)	170,0	7,5	8,5	16,5	12,5	0,55
Фуджэ	175,9	7,5	8,7	17,5	12,1	0,59
Муцу	200,0	7,1	7,6	17,6	12,7	0,51
Голдраш	126,7	5,2	5,8	16,2	11,8	0,64
ЭКМТ ₀₅	2,8	0,1	0,1	-	-	-
ЭКМТ ₁₀	1,7	2,2	1,7	-	-	-

Кишки навлардан Муцу нави йирик, шакли тўғри, сифатли, жозибали бўлганлиги сабабли энг юқори 5,0 балл билан баҳоланган. Фуджи нави меваларининг таъм баҳоси энг паст балл билан баҳоланган бўлсада, ушбу нав меваларига берилган ўртача умумий баҳо назорат нав билан деярли тенг (3,8-3,9 балл). Муцу ва Голдраш навлари меваларининг умумий баҳоси назоратта нисбатан юқори кўрсаткични кўрсатди.

«Интенсив боғ шароитида ўрганилган олма навларининг ҳосилдорлиги» деб номланган бўлимида ўрганилган олма навларининг ҳосилдорлик кўрсаткичини аниқлаш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, энг юқори ҳосилдорлиги билан куйидаги навлар алоҳида ажралиб турди: энг юқори ҳосилдорлик ёзги – Мантет, «Рустамий» ва Старк Эрлист (13,3-14,5 кг); эрта кузги – Старкинг Делишес, Прикубанское, Вагнера призовое, Санпрайс навлари ва П-Х-31 дурагайи (10,0 – 12,6 кг); кузги – Кубанское багряное, (st.) Кинг Девид ва Память Есаулу (11,6-13,5 кг); кишки – Голдраш (13,8 кг) навларида қайд этилди (2-жадвал).

Диссертациянинг «Интенсив олма боғлари учун мақбул экилни шемасини аниқлаш» деб номланган тўртинчи бобида танланган истикболли олма навларининг интенсив боғларини барто қилиш учун энг мақбул жойлаштириш шемасини аниқлаш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Ушбу бобнинг «Интенсив боғ шароитида олма навлари экилиш шемаларининг дарахтлар габитусига таъсири» деб номланган бўлимида тажрибада синалган жойлаштириш шемаларида олма навлари ўсимликлари шох-шабба габитусининг шаклланиш хусусиятлари тадқиқ қилинган. Кузатувлар шуни кўрсатдики ёзги навлар орасида (4,0×2,5 м) барча асосий шохларининг узунлиги бўйича (st) «Первенец Самарканда» (151,8 м.), «Рустамий» (142,9 м.), «Ойдин» (131,9 м.) ва Мантет (131,9 м.) навлари ажралиб турган бўлса, бу кўрсаткич бўйича Старк Эрлист (71,0 м) ва Пристин (88,8 м.) навларида энг паст кўрсаткич аниқланди. Ўртача бир метр асосий шохдаги шохланишлар миқори эса энг кўп Пристин (24,6 дона) ва Дейтон (19,2 дона) навларида ва энг кам кўрсаткич эса назорат «Первенец Самарканда» (12,3 дона), Старк Эрлист (12,8 дона) навларида қайд этилди.

Эрта кузги навлар ичида асосий шохларини узунлиги бўйича куйидаги навлар қайд этилди: Прикубанское (135,5 м.), «Исроил» (135,5 м.) ва дурагай П-Х-11 (135,5 м.). Асосий шохларининг қисқалиги билан «Фарангиз» ва Вагнера призовое (67,0 м.) навлари ажралиб турди. Бир метр асосий шохдаги шохланишлар миқдори энг кўп Вагнера призовое, Ремо, Ренда навларида аниқланди (18,1-20,3). Энг кам кўрсаткич эса Старкинг Делишес ва (st) Ред Делишес навларида қайд этилди (10,4-11,6). Бу кўрсаткич эса биринчи гуруҳдан икки баробар кам демакдир.

Олма навлари коллекцияси ўсимликларининг ҳосилдорлиги, 2017-2019 йй.

Нав ва дурагайлар	Ҳосилдорлик		Назоратга нисбатан, %
	бир туздан, кг	т/га	
Ёзги навлар			
«Первенец Самарканда» (st.)	12,2	12,2	100,0
«Ойдин»	12,4	12,4	101,6
«Елена»	12,8	12,8	104,9
«Кизил Жонақи»	7,8	7,8	63,9
«Рустамий»	14,0	14,0	114,7
Мангет	14,5	14,5	118,8
Старк Эрлист	13,3	13,3	109,0
Вильямс Прайд	10,1	10,1	82,8
Пристин	7,2	7,2	59,0
Дейтон	9,1	9,1	74,6
Вадимовка	10,2	10,2	83,6
ЭКМТ ₀₅	0,3	0,3	-
ЭКМТ ₀₆	2,4	2,4	-
Эрта кўзги навлар			
Ред Делишес (st)	6,9	6,9	100,0
Ренда	7,2	7,2	104,3
Кандиль Синап	3,0	3,0	43,5
«Болажон»	8,0	8,0	115,9
«Исроил»	10,9	10,9	158,0
«Фарангиз»	4,2	4,2	60,9
Прикубанское	10,7	10,7	155,1
Старкинг Делишес	10,0	10,0	144,9
Лимонний	7,0	7,0	101,4
Ренора зимний	7,7	7,7	111,6
Ремо	8,0	8,0	115,9
Санпрайс	12,6	12,6	182,6
Либерти зимний	7,1	7,1	102,9
Вагнера призовое	12,6	12,6	182,6
П-Х-31	10,3	10,3	149,3
П-Х-11	5,0	5,0	72,5
ЭКМТ ₀₃	0,3	0,2	-
ЭКМТ ₀₄	2,7	2,7	-
Кўзги навлар			
Кинг Девид (st.)	12,8	12,8	100,0
Кубанское багряное	13,5	13,5	105,5
Память Есаулу	11,6	11,6	90,6
Флорина	9,3	9,3	72,6
ЭКМТ ₀₈	0,1	0,1	-
ЭКМТ ₀₉	1,3	1,3	-
Кишки навлар			
«Нафис» (st)	10,2	10,2	100,0
Фуджи	6,0	6,0	58,8
Мунгу	6,9	6,9	67,6
Голдраш	13,8	13,8	135,3
ЭКМТ ₀₇	0,2	0,2	-
ЭКМТ ₁₀	2,6	2,6	-

Илова: Барпо қилинган йили 2014, экиш схемаси 4,0×2,5 м.

Кузги навлар орасида барча асосий шохларнинг умумий узунлиги 88,6 метрдан 111,0 метргача бўлди. Шохланишлар миқдори эса энг кўп (st.) Кинг Девид (23,6 дона) ва Память Есаулу (20,5 дона) навларида, энг кам кўрсаткич эса Кубанское багряное (13,5 дона) ва Флорина (19,1 дона) навларида қайд этилди. Бу юқоридаги иккала навлдан 1,2 ва 1,7 баробар кам демакдир.

Қишки (st) «Нафис» навида барча асосий шохларнинг умумий узунлиги энг узун бўлиб 167,0 метрни ташкил этди, энг кам кўрсаткич эса Муцу навида кузатилди (104,0 м). Бу эса (st) «Нафис» навидан 1,6 баробар кам демакдир.

«Экиш схемасига боғлиқ равишда олма навлари барг сатҳи ва дарахт танасини ёруғлик билан таъминланиш даражасининг ўзгариши» деб номланган бўлимида тажрибада синалган жойлаштириш схемаларида олма навлари дарахтларида барг сатҳининг шаклланиши ва дарахт танасининг ёруғлик билан таъминланиш даражасини аниқлаш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Кузатувлар пуни кўрсатдики, барг сатҳи энг кўп бўлган навлар: (st.) «Первенец Самарканда», «Рустамий» ва (st.) «Нафис» навларига тегишли равишда экиш схемаларидан келиб чиққан ҳолда 4,0×2,5 м. га нисбатан бошқа схемаларда 88,6; 89,6 ва 90,5% ни ташкил қилди. Барг сатҳи энг кам бўлган навлар Вагнера призовое, Лимонний, Старк Эрлист ва «Қизил Жонақи» навларида бу кўрсаткич тегишли равишда 91,7; 87,7; 93,5 ва 88,5% ни ташкил этди.

Навларнинг биологик хусусияти улар танасини ўсиш тиклигига қараб танадаги бир куб метр шох-шаббага тўғри келган барг миқдори ҳам ҳархил бўлди. Жумладан шу кўрсаткич бўйича баргланиш даражаси энг юқори Ремо, Кандиль Синап, Пристин, Вагнера призовое ва Ренда (14,2-10,1 м² бир куб метрда) навларида қайд этилди. Барг миқдори энг кам танаси сийрак бўлиб ёйилиб ўсадиган (st.) «Первенец Самарканда», Старкинг Делишес ва Старк Эрлист (2,9-5,0 м²/м³) навларида қайд этилди. Ёки биринчи гуруҳ навларига нисбатан бу навларда бир куб метрдаги барг миқдори 2-5 баробар кам демакдир.

Ёзги «Первенец Самарканда» нави дарахти танасининг юзасига тушаётган ёруғлик миқдори 55,9 минг/люксни ташкил қилган бўлса, дарахт танаси 2-3 баробар кичик бўлган «Елена» ва Вадимовка навларида бу кўрсаткич 67,2; 67,0 минг/люксни ташкил қилди. Танасининг марказий қисмига ёруғликнинг тушиши энг кўп Старк Эрлист, Дейтон ва Вадимовка навларида қайд этилди ва ушбу навларга тегишли равишда бу кўрсаткич 29,0; 32,0 ва 31,0 минг/люксни ташкил этди.


